

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

**Д.Усмонов**

Гиперболик типдаги бузиладиган иккинчи тур тенглама учун  
силжишли масала ..... 6  
КИМЁ

**И.Асқаров, Ш.Қирғизов**

Ўрик мевасининг кимёвий таркиби ва биологик хоссалари..... 11

**Б.Маҳкамов, Д.Гафурова**

Янги полиакрилонитрил / вермикулит таркибида синтез, ион  
алмашинувининг хусусиятлари..... 16

**Р.Мамадалиева, Ф.Шаропов, А.Ибрагимов, Ш.Абдуллаев, В.Хўжаев**

*Allochrysa gypsophiloides* таркибидаги иккита асосий сапонинни  
УССХ-ЭРИ-МС услубини қўллаш орқали тавсифлаш..... 21

**М.Ахмадалиев, И.Асқаров**

Кротон альдегиди куб қолдиғининг таркибини аниқлаш ва унинг  
асосида полимеркомпозиция олиш..... 25

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

**А.Низамиев, И.Сайпидинов, Г.Момошева**

Яшил “тоза” энергетика бўйича энергетик хабни яратиш истиқболлари  
Қирғизистонни иқтисодий ривожлантиришнинг янги йўли сифатида..... 29

**А.Ғафуров, О.Ғафуров**

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида тадбиркорлик  
фаолиятини бошқариш механизмини такомиллаштириш..... 33

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

**Б.Холматова**

Қадриятлар тизими ва талаба ёшларда аксиологик онгни  
шакллантиришнинг фалсафий-педагогик жиҳатлари..... 38

**Ж.Дадабоева**

Оилавий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришнинг айрим масалалари..... 42

**И.Сиддиқов, Р.Мамасолиев**

Миллий юксалиш ғоясини амалга оширишнинг ижтимоий-фалсафий омиллари..... 47

**А.Ғаниев**

Тадбиркорлик фаолиятининг ижтимоий-маданий ва маънавий моҳияти..... 53  
ТАРИХ

**О.Бегматов**

Ўзбекистонда замонавий банк тизими шаклланиши ва ривожланишининг  
тарихий босқичлари..... 57

**Ф.Бобоев**

Сурхон воҳасида совет ҳокимиятига қарши кураш ва унинг  
ўзига хос хусусиятлари (1925-1933 йиллар)..... 65

**А.Маҳмудов**

Бухоро амирлигида таълим тизимини ислоҳ қилиш ва янги усул  
мактабларини ташкил этишда Усмон Хўжа Пўлатхўжаевнинг фаолияти..... 71  
АДАБИЁТШУНОСЛИК

**Д.Қуронов**

Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи илк ва қайта нашрларидаги  
бир тафовут ҳақида..... 75

УДК: 347.6+347,1

ОИЛАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ  
МАСАЛАЛАРИНЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СЕМЕЙНО-ПРАВОВОГО  
РЕГУЛИРОВАНИЯ

## SOME ISSUES OF IMPROVING FAMILY LAW REGULATION

Ж.Дадабоева<sup>1</sup><sup>1</sup>Ж.Дадабоева– Фарғона давлат университети, юридик фанлар  
номзоди, доцент в.б.**Аннотация**

Оила давлат томонидан муҳофаза қилинар экан, унинг мустақамлигини сақлаш, эр-хотин ўртасидаги ажралишлар сонини камайтириш, оилаларнинг бутунлиги ва барқарорлигини сақлаб қолиш борасидаги ташкилий-ҳуқуқий механизмларни кучайтириш, бу борада амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш замон талабидир. Мазкур мақолада оила мустақиллигини сақлаб қолиш борасида оила қонунчилигини такомиллаштиришнинг айрим масалалари таҳлил этилган. Бунинг натижасида оила қонунчилигини такомиллаштириш бўйича айрим таклиф ва тавсиялар илгари сурлади.

**Аннотация**

Семья находится под защитой государства и сохранение крепости семьи, сокращение количества разводов между супругами, укрепление организационно-правовых механизмов сохранения целостности и стабильности семьи, повышение эффективности реформ в данной сфере являются требованием времени. В статье анализируются некоторые вопросы совершенствования семейного законодательства для сохранения независимости семьи. В результате выдвигаются некоторые предложения и рекомендации по совершенствованию семейного права.

**Annotation**

As long as the family is protected by the state, it is time to maintain its stability, reduce the number of divorces between spouses, strengthen organizational and legal mechanisms to maintain the integrity and stability of families, increase the effectiveness of reforms in this area. This article analyzes some issues of improving family legislation to preserve family independence. As a result, some suggestions and recommendations for improving family law will be put forward.

**Таянч сўз ва иборалар:** оила, Оила кодекси, оила қонунчилиги, никоҳ, ота-она, эр-хотин, фарзанд, фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар.

**Ключевые слова и выражения:** семья, Семейный кодекс, семейное право, брак, родитель, супруг, ребенок, усыновление, опека и попечительство, дети, лишенные родительской опеки.

**Keywords and expressions:** family, family code, family law, marriage, parent, spouse, child, adoption, guardianship and trusteeship, children deprived of parental care.

Оилани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларни ҳар томонлама жамиятнинг асосий бўғини сифатида барқарорлигини таъминлаш ҳар бир мамлакатнинг доимий эътиборда бўладиган устувор йўналишларидан бири саналади. Бинобарин, халқ оилалардан ташкил топар экан унинг барқарорлиги, оилаларнинг тинч ва тотувлиги мамлакатнинг ривожини ва истиқболини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Ҳозирда Ўзбекистонда оилалар барқарорлигини таъминлаш, эр-хотин ўртасидаги ажралишлар сонини камайтириш, оилани сақлаб қолиш имконини берадиган кўплаб ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий чоралар белгиланган ва бу

борадаги ҳуқуқий асослар яратилган. Бироқ, шунга қарамасдан эр-хотин ўртасидаги ажралишлар сони уларнинг ўсиб бориш динамикасини кўрсатади. Бу ҳолат, айниқса, катта шаҳарларда юқори эканлиги кўзга ташланади. Шу боис эр-хотин ўртасидаги ажралишлар сонини камайтириш, оилаларнинг бутунлиги ва барқарорлигини сақлаб қолиш борасидаги ташкилий-ҳуқуқий механизмларни кучайтириш, бу борада амалга оширилаётган ислохотларни кучайтириш замон талабидир.

Бугунги кунда оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга кўмаклашиш давлат ва нодавлат йўли билан амалга оширилмоқда. Айрим

давлат органлари оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, уларга давлат томонидан моддий ёрдам беришни таъминлаш билан шуғулланса (масалан, ижтимоий таъминот муассасалари), бошқалари эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишга кўмаклашиш (ФХДЁ), болалар ҳуқуқларини таъминлаш (васийлик ва ҳомийлик органлари, халқ таълими тузилмалари) фаолиятини амалга оширадilar. Оилаларни қўллаб-қувватлашда, оилавий низоларни ҳал этишга кўмаклашишда фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг роли катта ҳисобланади.

Шунга қарамаздан ушбу тизимни бугунги кунда тўлиқ ўзини оқляпти, деб бўлмайди. Бундан ташқари, давлат (унинг органлари тимсолида) ва оилаларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳам ҳозирда етарли даражада эмас. Кўп ҳолларда оилалар, эр-хотинлар ёки оиланинг бошқа аъзолари ўз муаммоларини яшириш, уларни ошкор қилмасликка ҳаракат қилишади ёхуд давлат органларига нисбатан ишонч йўқлиги сабабли уларга мурожаат қилишдан тийилишади. Бунинг натижасида кичик муаммоларнинг катталашиб кетишига ва оқибатда оилавий зиддиятлар ва низоларнинг вужудга келишига ҳамда эр-хотин ажралишига сабаб бўлади. Оилани мустаҳкамлаш ва ажрашишлар сонини камайтиришнинг асосий омилларидан бири эса эр-хотин ўртасидаги ўзаро тушуниш ва мураса саналади. Бунда уларга кўмаклашиш, эр-хотинга руҳий-психологик маслаҳат бериш ва уларни жамиятнинг ҳар томонлама тўлақонли аъзосига айлантириш борасида жамоатчиликнинг ўрнини ошириш зарур бўлади.

Эр-хотин ўртасидаги ажралишларга асосан турли келишмовчиликлар, эр-хотиннинг бир-бирини тушунмаслиги ёки бошқа кўплаб ижтимоий-иқтисодий омиллар сабаб бўлади. Оилани сақлаб қолиш имкони бўлган ҳолларда ҳам қонунчиликнинг мукамал эмаслиги, носамарали услублар ҳам эр-хотин ажралишларига сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикасининг оила қонунчилиги, хусусан, Оила кодекси асосан эр-хотин ва оила аъзолари ўртасидаги муайян турдаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни назарда тутди. Бироқ ОК оила Конституциянинг 63-моддасида белгиланганидек “оила жамиятнинг асосий

бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга”лиги нуқтаи назаридан эмас, субъектлар нуқтаи назаридан ижтимоий муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади. Албатта, бу ўринда ОК да никоҳ муносабатларни сақлаб қолиш, ажралишларни камайтириш, имкон даражаси эр ва хотинни яраштиришга нормалар ҳам мавжуд. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам ОК оилани жамиятнинг асосий бўғини сифатида сақлаш ва барқарорлигини таъминлашни назарда тутмайди. Шу сабабли мазкур вазифани бажариш, оилани жамиятнинг асосий бўғини сифатидаги статуси ва мақомини белгилаш, оилалар барқарорлигини таъминлашга оид ҳуқуқий чоралар ва механизмларни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Оилани қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Қонунини қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Айтиш лозимки, АҚШда 1988 йилда “Оилани қўллаб-қувватлаш акти” қабул қилинган бўлиб, унда болаларни қўллаб-қувватлаш, оилаларни иш билан таъминлаш ва уларни моддий қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларини ечишга қаратилган имтиёзли хизматлар келтирилган. Бир қатор давлатларда эса оилаларнинг моддий ҳолатидан келиб чиқиб солиқ ва коммунал тўловлар (Япония, Корея) бўйича имтиёзлар назарда тутилган [1.78].

Ўзбекистон Республикасининг “Оилани қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Қонунини қабул қилиш мамлакатимизда оилалар барқарорлигини таъминлаш, ажралишлар сонини камайтириш ҳамда жамиятнинг асосий бўғини сифатида оилаларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий мақомини аниқлаштириш каби ижтимоий, ташкилий ва ҳуқуқий вазифаларни бажаради.

Фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик институтини такомиллаштириш оилани мустаҳкамлашга хизмат қилади. Фарзандликка олиш фарзанд кўра олмайдиган эр-хотин муаммоларини ҳал қилиш, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашга ёрдам беради, васийлик ва ҳомийлик эса, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялаш билан бирга узрли сабабларга кўра ўз мажбуриятини вақтинчалик бажара олмайдиган ота-оналарнинг муаммоларини ҳал қилишга имкон беради [2.12]. Шу боисдан қонунчиликда фарзандликка

олишни рағбатлантириш чоралари кўпайтирилиши, оилавий сиёсатнинг мақсади эса фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийликнинг ижобий аҳамиятини шакллантиришдан иборат бўлиши лозим.

Фикримизча, оилани мустаҳкамлаш учун фотиҳа, унаштирув институтини жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Чунки ушбу жараён никоҳ тузиш ҳақида қарор қабул қилишни атрофлича ўйлаб кўришга имкон беради, шунингдек фотиҳа қилинган шахслардан бири никоҳ тузишни рад қилган ҳолларда мулккий низоларнинг олдини олади. Мазкур институт Германия, Грузия, Украина, Исроил, Япония ва бошқа мамлакатларда мавжуд. Бунда фотиҳа қилинган шахслар сифатида никоҳ тузишга ариза берган шахслар тан олинади. Фотиҳа қилинганлик никоҳ тузиш мажбуриятини келтириб чиқармайди, бироқ кейинчалик никоҳ тузиш рад қилинган ҳолларда рад қилган тараф иккинчи тарафга никоҳ тузиш ва тўйни ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб беради. Никоҳ тузишни рад қилиш бевосита номуносиб хулқ-атворда бўлиш, муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (касаллик, фарзанд мавжудлиги, судланганлик ва ҳ.к.) яшириш билан боғлиқ бўлса, харажатлар қоплаб берилмайди.

Аксарият ҳолларда оила фуқаролик ҳуқуқининг мустақил субъекти сифатида тан олинади мумкин (масалан, юридик шахс тузмасдан оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш ва ҳ.к.). Шу сабабли Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида умумий қоида сифатида оила ва оилавий мулк тушунчаси мустаҳкамланиши зарур.

Кўп ҳолларда ажралишларга шахснинг оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларини суиистеъмол қилишлари ҳам сабаб бўлади. Эр-хотиннинг бир-бирига нисбатан оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни суиистеъмол қилинишига йўл қўйилмаслигига оид қоида эса амалдаги ОҚда ўз ифодасини топмаган. Бунда эр-хотиннинг, шу жумладан, бошқа оила аъзоларининг оила муносабатларидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишларида қонун ҳужжатларига риоя этишлари [3,78], биргаликда турмуш қуриш қоидаларини, ахлоқ-одоб тамойилларини ҳурмат қилишлари ва виждонан ва ҳалол ҳаракат қилишларига оид

нормани ОҚга киритиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни суиистеъмол қилишга йўл қўйилмаслиги, суиистеъмоллик билан ҳаракат қилинган суд томонидан бундай ҳуқуқлар ҳимоя этилмаслигига оид қоида ҳам ОҚда белгиланиши зарур.

Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонуни оилавий муносабатларга ҳам татбиқ этилиши мустаҳкамланган бўлса-да, Оила кодексида эр-хотин ўртасида юзага келган низони медиатор воситасида ҳал қилиш механизми мавжуд эмас. Эр-хотин судга никоҳдан ажратиш ҳақида даъво ариза билан мурожаат қилганда, суд агар тарафларга ярашиш учун муҳлат берса, у ҳолда эр-хотинни медиаторга мажбурий юбориши зарур. Ушбу қоида Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида ўзининг қонуний ифодасини топиши зарур, чунки медиатор маҳалла ҳузуридаги яраштирув комиссиясидан фарқли равишда эр-хотин ўртасида юзага келган ҳолатга малакали, ҳуқуқий баҳо беради ва улар ўртасидаги низони ҳал қилишга ёрдам беради [4.26].

Бундан ташқари, бугунги кунда оила мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан оила қонунчилигини такомиллаштириш борасида бир қатор таклиф ва тавсияларни билдириш мумкин. Жумладан:

1. Маълумки, оила яшаш ва оила бўлиш кишининг энг эзгу мақсадлари ва хоҳиш истаклари билан боғлиқ. Шу сабабли ҳам ушбу ҳуқуқнинг қонунчиликда кафолатланиши шахсларнинг оила қуриш ва оилавий ҳаётга нисбатан истагини оширишга хизмат қилади ҳамда оилаларни сақлаб қолиш ва уларнинг барқарорлигини таъминлашнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли ОҚ 3-моддасини учинчи-тўртинчи қисмларини “Ҳар бир шахс оила яшаш ҳуқуқига эга. Ҳар бир шахс ўзининг оилавий ҳаётига ҳурмат қилишларига талаб этиш ҳуқуқига эга” каби жумлалар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

2. Оилавий муносабатларни шартномавий тартибга солиш келгусида оила сақлаш, эр-хотин ва ота-оналар ўртасида турли низолар вужудга келишининг олдини оладиган воситалардар бири ҳисобланади. Шу боис оилавий муносабатларни тартибга солишнинг шартномавий усулига оид умумий норманинг

ОКнинг “Асосий қоидалар” бобига киритиш мақсадга мувофиқ. Бу ҳолат нафақат эр-хотин ўртасидаги муносабатларга, балки ота-она ва болалар ўртасидаги, яқин қариндошлар ўртасидаги муносабатларга ҳам татбиқ этилади.

Оила муносабатларни шартномавий бўйича тартибга солинишига оид бундай нормалар бир қатор мамлакатлар оида қонунчилигида белгиланган. Жумладан, Украина Оила кодексининг 9-моддаси айнан шундай номланади (Регулирование семейных отношений по договоренности (договором) сторон).

Юқоридагилардан келиб чиқиб ОКга янги “7-1-модда. Оила муносабатларини томонларнинг келишуви (шартнома) бўйича тартибга солиниши” номли моддани киритиш ва уни қуйидаги таҳрирда белгилаш лозим:

Эр-хотин, боланинг ота-онаси, ота-оналар ва болалар, оиланинг бошқа аъзолари ва қариндошлар ўртасидаги ушбу Кодекс билан тартибга солинадиган муносабатлар, агар ушбу Кодекс, бошқа қонунлар ва жамиятнинг ахлоқий асослари талабларига зид келмаса, уларнинг ўзаро келишуви (шартнома) бўйича тартибга солиниши мумкин.

Бир оила бўлиб яшаётган, шунингдек, тутинган қариндошлар бўлган шахсларга нисбатан ушбу Кодекс тегишли қоидалар белгиланмаган ҳолларда, ушбу шахслар ўзларининг оилавий (қариндошлик) муносабатларни ёзма шаклда тузадиган шартнома асосида тартибга солишлари мумкин. Мазкур шартнома агар ушбу Кодекси, бошқа қонун ҳужжатлари ва жамиятнинг ахлоқ талабларига зид келмаса бажарилиши мажбурийдир;

3. Бугунги кунда оилавий мажбуриятларни бажариш муаммоси оилавий муносабатлардаги энг асосий масалалардан бири саналади. Эр-хотиннинг оилавий мажбуриятларни бажармасликлари оқибатида ажралишлари сони ортиқ бормоқда. Бунда амалдаги ОКда оилавий мажбуриятларни бажармаганлиг учун махус жавобгарлик чораларининг белгиланмаганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Шу боис ОКда оилавий мажбуриятларни бажармаганлик ҳуқуқий жавобгарликни вужудга келтириши ҳақидаги норма киритилиши мақсадга мувофиқдир. Бундай норма Украина ОКнинг 15-моддаси 4-қисмида оилавий мажбуриятларни

бажармаслик жавобгарликни юзага келтириш мумкинлиги белгиланган. Шу боис ОКнинг 10-моддасини қуйидаги таҳрирдаги учинчи қисм билан тўлдириш лозим бўлади: Оилавий мажбуриятларни бажармаслик ёки бажаришдан бўйин товлash ушбу кодекси, бошқа қонун ҳужжатлари ва томонларнинг келишуви (шартнома)да белгиланган ҳуқуқий жавобгарликни вужудга келтиради;

4. Маълумки, ҳуқуқлар билан бирга қонуний манфаатларни ҳамоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, эр ёки хотиннинг оилани сақлаб қолиши кўпроқ ҳуқуқ эмас, қонуний манфаат ҳисобланади. Бундан ташқари, болалар тарбияси ва қариндошлик муносабатларида ҳам ўзига хос қонуний манфаат мавжуд. Шу боис ОК 11-моддасининг номланишига “манфаат” терминининг қўшилиши мақсадга мувофиқ.

Таъкидлаш лозимки, оилавий ҳуқуқларни ҳамоя қилиш фуқаролик ҳуқуқларини ҳамоя қилишдан фарқ қилади. Шу сабабли оилавий ҳуқуқларни ҳамоя қилишнинг ўзига хос усуллари ОКда белгиланиши лозим [5.14]. Масалан, ихтиёрий бажарилиши керак бўлган мажбуриятни бажармаганда буни мажбурий бажартириш, ҳуқуқий муносабатни тугатиш ёки бекор қилиш, оилавий ҳуқуқларни бузадиган ҳаракатларни олдини олиш усули муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Масалан, хотин эрининг қариндоши ёки бирор таниши оилавий муносабатни бузишини олдини олиш мақсадида судга мурожаат қилиши мумкин. Суднинг тегишли қарори билан эса шу шахсга нисбатан оилавий ҳуқуқларни бузмаслик мажбурияти юкланиши ва оила сақлаб қолишга эришиш мумкин бўлади.

Фикримизча, амалдаги ОКнинг 11-моддаси номини “Оилавий ҳуқуқлар ва манфаатларни ҳамоя қилиш” деб номлаш ва уни қуйидаги таҳрирда баён этиш зарур:

Оилавий ҳуқуқлар ва манфаатларни ҳамоя қилиш суд томонидан фуқаролик суд ишларини юритиш қоидалари бўйича, ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда эса, васийлик ва ҳомийлик органлари ёки бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Оилавий ҳуқуқлар ва манфаатларни қуйидаги усуллар билан ҳамоя қилинади:

– ҳуқуқий муносабатни белгилаш;

– ихтиёрий бажарилмаган мажбуриятни мажбурий бажартиш;  
 – ҳуқуқий муносабатни тугатиш;  
 шунингдек уни бекор қилиш;  
 – оилавий ҳуқуқларни бузадиган ҳаракатларнинг олдини олиш;  
 – ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш;  
 – моддий ва маънавий зарарни қоплаш, агар бу ҳолат Оила кодекси ёки шартномада назарда тутилган бўлса;  
 – ҳуқуқий муносабатни ўзгартириш;  
 – давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжатини суднинг қўлламаслиги.

Хулоса ўрнида айтганда, оила қонунчилигини оилани мустаҳкамлаш ва сақлаб қолиш нуқтаи назаридан такомиллаштириш, оилавий-ҳуқуқий таъсир чораларни аниқлаштириш, оилавий-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини етарлича таъминлаш ҳамда оилавий мажбуриятларни қонунчилик даражасида белгилаш йўналишида амалга оширилиши лозим. Албатта, бунда оилавий-ҳуқуқий санкцияларни кучайтириш ҳамда оилавий-ҳуқуқий тартибга солишга оммавий-ҳуқуқий усулларини татбиқ этиш тенденциясини ривожлантириш истиқболлари ҳам ҳисобга олиниши зарур.

#### Адабиётлар:

1. Имомов Н.Ф. Оилани мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш “Оила барқарорлиги давлат ва жамият тараққиёти кафолатидир”. – Наманган: “Наманган” нашриёти, 2019.
2. Бабажанова Д.И. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шаклларининг оилавий-ҳуқуқий тартибга солиниши: юрид. фан. фалс. докт (PhD)-дис. ... автореф. – Т., 2020.
3. Oila huquqi. Darslik. Mualliflar jamoasi. – Т.: TDYU, 2017..
4. Масадиков Ш.М. Сущность медиации и проблемы ее правового регулирования в Республике Узбекистан: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. –Т., 2008.
5. Цыбуленко З.И. \*Семейное законодательство России: состояние и перспективы развития // Вестник Саратовской государственной юридической академии № 3 (110) 2016.

(Тақризчи: М.Маматов – фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор.)